


Унуттирилган Қуръон



14:00 / 17.01.2020 6030

Яқин ўн йилларда содир бўлган бу воқеани ўз қулоғи билан эшитган муҳтарам устозларимиздан бирининг айтганлари менга шунчалик таъсирли бўлдики, ҳамон барча тафсилотлари ёдимда.

Фарғона вилоятида бўлган, Қуръонни тўла ёдлаган қорилардан бири тирикчилик важдан пул топиш учун Қозоғистонда ишлаб юрарди. У киши бошидан ўтган бир ишни ўзининг тилидан устозимизга шундай ҳикоя қилади:

Қозоғистонда ишлаб юрган пайтларимда бир куни қўққисдан автоҳалокатга учрадим. Мени катта юк машинаси уриб кетди...

Мен бир муддат нима бўлганини англай олмадим. Бир пайт ўзимни жуда енгил ҳис қилдим. Чексиз қоронғуликда танамдан ташқарида муаллақ турганимни англадим. Узоқларда милтиллаган ёруғликларга кўзим тушди ва у ерга боришни хоҳладим. Шу заҳотиёқ ўша ерда эканлигимни сездим. Ҳа шундай, кўзим тушган қаерда бўлишни хоҳласам, ўша ерда ҳозир бўлиб қолардим. Бу ёқимли ҳолат эди десам ҳам бўлади. Қизиқишим кучайиб, узоқ номаълум томонларга учиб кетгим келди.

Шу пайт шиддат билан чуқурликка, қоронғу пастликка шўнғиётганимни сездим. Ўзимга келдим шекилли танамда жуда қаттиқ оғриқни сездим. Мени одамлар машинага солиб касалхонага жўнатишди. Жудаям кучли

оғриқдан азобланар эканман бояги ҳолатга қайтишни истардим. Ўзимча ҳозир менга наркоз беради, шунда яна танамдан чиқаманда биринчи сафаргидан кўра кўпроқ жойга бораман деган ўй шууримдан ўтди. Дарҳақиқат, наркоз берилгач шифокорлар уймалашган танамдан тезлик билан узоқлашдим.

Бу гал тажрибам ошган, ғаройиб сафаримда кўпроқ ажойиботларни хоҳлардим. Ўзимда чексиз эркинлик ва имкониятларни ҳис қилардим. Узоқларда асаларидай ғуж бўлиб зулматда қаёққадир кетаётган катта тўдани кўрдим. Кўрдиму ўзимни ҳам улар орасида кўрдим. Бу тўдада бегоналар билан бирга менинг марҳум бўлиб кетган танишларим, қариндошларим ҳам бор эди. Бошлари эгик, тунд юзлари ғамгин, умидсиз ҳолда кетиб боришарди. Сўраб билдимки, улар (мен ҳам) ҳисоб-китобга, сўроққа кетишаётган экан.

Ўзимни ёмон ҳис қилдим. Ёмон жойга келиб қолдим. Зудлик билан ортга қайтишим керак. Қайтишга бир неча бор уриниб кўрдим. Йўқ, мен қайтолмаяпман. Энди боягидай ихтиёрим ўзимда эмас эди. Шунда қорилигим эсимга тушди. Катта умид пайдо бўлди. Ахир қориманку, Қуръонни ўқиб кетавераман, менга ҳеч нарса бўлмайди, дедим ўзимга ўзим.

Вожаб, ҳатто Бисмиллаҳни ҳам айта олмадим, эсимга келмади, тилим айланмай қолди. Шунда, ана шунда, менинг қорилигим ҳам, қилган ибодатларим ҳам, бошқа амалларим ҳам фойда бермаслигини, энди фақат меҳрибон Аллоҳнинг улуғ раҳматидан, фазли-марҳаматидангина умид қилишим қолди. Шунки кутишимдан бошқа иш менга қолмаганини тушундим. Мен ҳам ҳамроҳларим қатори бўлдим-қолдим. Юзим сўник, бошим эгилган, елкаларимдаги кўринмас юкдан оёқларим оғирлашган, онгимни қаттиқ қўрқув, умидсизлик қоплаган...

Операциядан бир оз вақт ўтгач, наркоз таъсиридан чиқиб ўзимга келдим. Яна танамда кучли оғриқни сеза бошладим. Бу оғриқ бояги қўрқув олдида ҳеч нарса эмас, оддий бир сезги эди холос. Кўпгина оғриқларда азобни сезмаймиз, кўпгина азобларда эса оғриқни. Ҳатто оғриқдан ҳаловат олса бўлади.

Касалхонадан чиқиб юртимга қайтдим. Биринчи ишим, энг зарур ишим Қуръонни такрор қилишим бўлди. Чунки, Қуръонга безътибор бўлиб такрор қилмаганим сабабли ёдимдан чиқаёзган эди...

«Хожа Бухорий» ўрта-махсус ислом билим юрти 4-босқич талабаси

Дилшод Ғиёсов